

ЙИГИРМАНЧИ ЮЗЙИЛЛИКНИНГ 20-40-ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОН АССР ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ОТ СПОРТИ АҲВОЛИ

Нағашбоев Қазбек Бозорбой ули

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти таянч докторанти

k95nagashboev@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада, от спорти қадимдан Туронда мавжуд бўлиб, мунтазам кадрланиб келинганлиги, Жалололдин Мангуберди, Амир Темур, Бобур ва бошқа ўзбек саркардалари бежизга отда ҳарбий жанг олиб бориш бўйича тенгсиз бўлганлиги, чунки туронликлар отда ҳаракатланиш ва отда жанг қилишда моҳир бўлганлиги ва бу қобилият кейинги даврда яшаган туронликларга ўтиб келганлиги ёритилган. Шунингдек, йигирманчи юзйиллик бошларида Туркистонга большевиклар бостириб кирганда, уларга қарши самарали миллий-озодлик ҳаракати олиб борилганлиги, бунда уларга буюк ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ҳарбий жанг олиб бориш ва отда ҳаракатланиш санъати ас қотганлиги, Ўзбекистон ССР тузилгач Йилқичилик тизими фаолияти совет ҳокимияти томонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги келтирилган.

Калит сўзлар: Турон, от спорти, улоқ (кўпкари), йилқичилик, мусобақа.

Abstract. This article discusses the fact that equestrian sports have existed in Turan since ancient times and have been consistently appreciated, that Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur, Babur and other Uzbek commanders were unrivaled in conducting military battles on horseback, because the Turanians were skilled in moving on horseback and fighting on horseback, and that this ability was passed on to the Turanians who lived in later times. In addition, when the Bolsheviks invaded Turkestan at the beginning of the twentieth century, an effective national liberation movement was carried out against them, in which they were helped by the art of conducting military battles and moving on horseback, inherited from their great ancestors, and that after the formation of the Uzbek SSR, the activities of the equestrian system were used by the Soviet authorities for other purposes.

Keywords: Turan, equestrian sports, uloq (kupkari), equestrianism, competition.

Аннотация. В данной статье рассматривается тот факт, что конный спорт существовал в Туране с древних времен и неизменно ценился, что Джалололдин Мангуберди, Амир Тимур, Бабур и другие узбекские военачальники были непревзойденными в ведении военных действий верхом на лошадях, поскольку туранцы обладали навыками передвижения и ведения боя верхом, и что это умение передавалось туранцам, жившим в более поздние времена. Кроме того, когда большевики вторглись в Туркестан в начале XX века, против них было проведено эффективное национально-освободительное движение, в котором им помогало искусство ведения военных действий и передвижения верхом на лошадях, унаследованное от их великих предков, и

что после образования Узбекской ССР деятельность конной системы использовалась советскими властями в других целях.

Ключевые слова: Туран, конный спорт, улак (кўпкари), коневодство, соревнования.

Туркистонда от спорти ўйинлари азалдан мавжуд бўлган. Хусусан, от спорти туб ерли халқнинг кўп асрлик севимли машғулоти ҳисобланган[1, 65]. Бежизга, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобур отда ҳарбий жанг олиб бориш бўйича моҳир саркарда бўлмаган. Чунки, Турон халқи қадимдан отни қўлга ўргатиб, унда ҳаракатланиш ва машғулотлар ўтказиш натижасида ўз маҳоратларини ошириб борган. Мунтазам тўй-томошаларда улоқ (кўпкари) беллашувлари ўтказилган. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда жаҳид ва миллий-озодлик ҳаракати иштирокчиларининг кўплаб саъй-ҳаракатлари натижасида отда амалга ошириладиган жанговар машғулотлар олиб борилган ҳамда бунинг натижасида большевикларга қарши самарали курашилган.

Миллий озодлик ҳаракатларида отда ҳаракатланиш билан боғлиқ машғулотларнинг ўрни катта бўлганлигини Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890, Бошқирдистон – 1970) кўп бора таъкидлаган. Яъни, миллий озодлик ва сиёсий фаоллик учун фақат маънавий эмас, балки жисмонан чиниққан ёшлар зарурлигини ҳамда ўша вақтдаёқ ёшлар орасида ҳарбий-жисмоний машқлар, отда саф бўлиб юришлар ва жисмоний тайёргарлик муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлаган[2, 112-114; 186-189]. Шунингдек, Закий Валидий 1917-1920 йиллардаги қуроли курашлар жараёнида жисмоний тайёргарликнинг амалий аҳамияти катта бўлганлигини, яъни миллий-озодлик ҳаракати иштирокчиларининг от билан ҳаракатларда, узоқ масофаларга юришларда ва жанговар шароитларда чиниққан бўлиши зарурлигини таъкидлаб, бундай тайёргарликлар аввалдан мавжуд бўлган анъанавий жисмоний машғулотлар асосида шаклланганлигини қайд этган.

Большевиклар 1918 йил 30 апрелда Туркистон АССРни тузишгач, улар бу ҳудудда мавжуд барча соҳалар каби жисмоний тарбия соҳасида ҳам ўзининг бош ғояларини сингдиришни мақсад қилдилар. Асосий мақсад – туб аҳоли вакиллари меҳнат қилишга ундаш ва ҳарбий ҳаракатларда фаол бўлишини таъминлаш эди. Буни таъминлаш учун, болшевиклар ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ - ишчи қатлам ва деҳқон ёшларнинг соғлигини мустаҳкамлашни муҳим жиҳат сифатида аниқ белгилаб олди[3, 24]. Бу каби маккорона ишларнинг бошида большевикларнинг “раҳнамо”си - В.И.Ленин турган бўлиб, у ўз фаолияти давомида катта эътиборини ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда меҳнат қилиш учун ва Ватанни (аслида Совет Россияси давлатининг ҳимояси кўзланган) ҳимоя қилиш учун зарур бўлган жисмоний қувватни оширишга қаратган ҳамда “социалистик жисмоний тарбия”нинг мақсад-вазифаларини белгилаб берган[4, 7].

Туркистон АССР спорт тизимида – велоспорт, от спорти, кураш, енгил атлетика, гимнастика, футбол, шахмат, оғир атлетика, сузиш, теннис, бокс, волейбол ва баскетбол каби 13 га яқин спорт турлари мавжуд бўлган. 1920-1921 йилларда Ўрта Осиё I ва II Олимпиадалари, 1924 йилда Бутунтуркистон Спартакиадаси ўтказилган. 1920 йилги Ўрта Осиё Олимпиадасида – от пойгаси, гимнастика, енгил атлетика, оғир атлетика, футбол ва ўқ отиш спорт турлари (жами 6 та) бўйича беллашув бўлиб ўтган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини 1920 йил ўрталаридан Умумий ҳарбий таълим бошқармаси бошқара бошлаган [5, 67-68](1918 йил илк бор Москвада ташкил этилган). Шу вақтдан жисмоний тарбия ва спортни ҳаётга тадбиқ этиш ва унинг ташкилий бошқаруви – Умумий ҳарбий таълимга топширилди. Туркистон АССРдаги барча спорт ташкилотлари Умумий ҳарбий таълим томонидан рўйхатга киритила бошлаган ва уларнинг фаолияти бўйича назорат олиб борилган.

Туркистон минтақасида “От спорти мусобақалари”ни ўтказиш ва от спорти ҳаваскорлари спорт жамиятларини тузиш ташаббуси Туркфронт артиллерия инспекторлари томонидан 1920 йил 15 июнда кўтарилган ҳамда улар томонидан РСФСР От етиштириш Давлат бошқармасига Туркистон Республикасида от спорти мусобақаларини ўтказиш, от спорти жамиятларини ташкил этиш бўйича мурожаат хати жўнатилган[6, 18]. Бу мурожаатга мувофиқ тарзда жўнатилган жавоб хатида – РСФСР Давлат от етиштириш бошқармаси томонидан Туркистон АССР Йилқичилик бошқармасини тузиш, кўргазмалар ва мусобақалар ўтказишни режага киритилганлиги, бу ислохотлар нафақат вилоятда отларни имтиҳон қилиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда отларни даволаш учунгина бўлиб қолмасдан, балки фуқароларнинг бақувват тана ва руҳ сифатлари яхшиланишига, соғлом ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланган[6, 19]. Бундан шуни англаш мумкинки, РСФСР от спорти раҳбарияти томонидан Туркистон минтақасида мазкур мусобақаларни ташкил этиши, бу от спорти истиқболи учун бўлмай, балки от спорти мусобақасида иштирок этувчи туб ерли миллат вакилларининг “соғлом, бақувват” бўлиб ривожланиши учун замин яратиш ва бу орқали самарадорлиги юқори бўлган ишчи қатламни етиштириш ҳамда РСФСР мудофааси учун муносиб захира тайёрлаш яширин мақсад сифатида белгилаб олинган.

Ушбу ислохотларни амалга ошириш мақсадида ҳамда 1920 йил октябрда ўтказилиши режалаштирилган мусобақани муносиб ташкил этиш мақсадида 15 апрельдан Туркистон АССР Йилқичилик бошқармаси хузурида махсус комиссия тузилган бўлиб, унинг таркибига аъзо сифатида билгир ва бу соҳани севувчи, фойдаси тегадиган туб ерли мутахассислар таклиф қилинган. Мазкур мутахассисларнинг катта қисми туб ерли ходимлар бўлиб, уларнинг катта меҳнати эвазига мусобақа муваффақиятли ўтган. Шу туфайли бошқарма бошлиғи уларни рағбатлантириш мақсадида, РСФСР Туркистон fronti Умумий ҳарбий таълим бошқармасига мукофот пули ажратиш бўйича мурожаат қилган[7, 91-92]. 1920 йил 3 декабрда мазкур мурожаатга жавоб

келади. Жавоб хатида унга мукофот пули бериш у ёқда турсин, аксинча, пул ундиришни кўзлаб, бошқарма мазкур мусобақа якунлари бўйича ўз смета-ҳисоботларини жўнатиши кераклиги буюрилган. Бу орқали арзимаган камчилик топиб, жарима пули ундирмоқчи бўлган. Юқоридан бериладиган кўрсатмаларда асосан “мусобақаларни муносиб ташкил этиш” кўп бора таъкидланган. Бироқ иш молиявий ҳаракатларга келганда раҳбариятнинг шашти кўпинча йўқолиб қолаверган. Бундан, ҳужжатда кўп ислохотлар қилиниши кераклиги ёритилган бўлса-да, унинг молиявий таъминоти доим ҳам таъминланмаганлиги келиб чиқади.

Йигирманчи юзйилликнинг 30-40 йилларида ҳам от спортга эътибор камаймаган. Хусусан, Ўзбекистон ССР Осоавиахим марказий кенгаши асосан ҳарбий соҳага ихтисослашган ташкилот бўлганлиги боис, спорт соҳасини ҳарбийлаштириш ишида спорт ташкилотларига кўмакдош бўлган[8, 15]. Осоавиахим 1938 йил бўйича йиллик ҳисоботини тақдим этган бўлиб, ўқ отиш спорти ва от спорти ишчи қатлам оммасини – мамлакат мудофаасини ҳимоя қилиш учун тайёрлашда муҳим роль ўйнаши таъкидланган[9, 5-6]. Шунингдек, от спорти ҳарбий соҳага яқин ҳисобланганлиги сабабли, уни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Хусусан, 1938 йил 16 сентябрда “Спартак” спорт жамияти томонидан от спортини ривожлантириш мақсадида – 1600 км масофага от пойгаси мусобақасини ташкил этиш бўйича берган таклифини Ўзбекистон ССР ишлаб чиқариш кенгаши (Узпромсовет) қабул қилган[10].

Ўзбекистон ССР Ёшлар иттифоқи Марказий Қўмитаси томонидан ҳам от спорти билан боғлиқ бир қатор ишлар амалга оширилган. 1939 йилда иккинчи жаҳон уруши бошлангандан буён 1944 йилга келиб, илк бора от спорти мусобақаси (улоқ), ташкил этилган бўлиб, унда 5000 киши иштирок этган. Умумий қилиб айтганда, Спорт ташкилотлари, Ёшлар иттифоқи қўмитаси ва Ҳарбий ташкилотлар – совет ҳокимиятининг уруш даврида мудофаани мустаҳкамлашга қаратилган мафқурасини халққа, айниқса ёшларга етказишда ва сингдиришда асосий тарғибот-ташвиқот манбаи бўлиб хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мўминжон Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. (Адабий жихатдан қайта ишловчи Малик Раҳмон. Тузатилган ва қўшилган 4-нашри). – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1969. – 176 бет.
2. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи М. Абдурахмонов. – Тошкент: “Истиқлол нури”, 2014. – 612 бет.
3. Шоломицкий Ю.С. Физическая культура и спорт в Советской Средней Азии и сопредельных странах Востока. Автореф. дисс. докт. пед. наук. – Ташкент, 1972. – 38 стр.
4. Физическая культура и спорт в СССР. – Москва: “Физкультура и Спорт”, 1967. – 351 стр.

5. Мамбетов Б.Ж. Традиции физической культуры и спорта Каракалпакстана и проблемы возрождений, XX-й век. Дисс... канд. ист. наук. – Нукус, 2006. – 155 стр.
6. ЎзМА. Р-184-жамғарма, 1-рўйхат, 63-йиғмажилд.
7. ЎзМА. Р-184-жамғарма, 1-рўйхат, 15-йиғмажилд.
8. Ўзбекистон РПАА. 58-жамғарма, 14-рўйхат, 1191-йиғмажилд.
9. Ўзбекистон РПАА. 58-жамғарма, 14-рўйхат, 1179-йиғмажилд.
10. Перед юбилейной Спартакиадой РККА – “Динамо” / Красный спорт (Москва), 3 июля 1938 года.